

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

5-2019

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

<b>Ю.П. Апаков, А.Х. Жураев</b> Каррали характеристикали бешинчи тартибли бир тенгламанинг чекли соҳадаги ечими ҳақида .....	5
<b>М.Мамажонов, С.М. Мамажонов</b> Бешбурчакли соҳадаги тўртинчи тартибли параболик – гиперболик турдаги тенглама учун битта чегаравий масала ҳақида .....	11
<b>Ж.О.Тахиров</b> Амалий математиканинг баъзи замонавий муаммолари ҳақида .....	19

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

<b>Максудов Р.Х., Джураев А., Шухратов Ш., Холдоров Ш</b> Пахта тозалагичнинг ишчи органлари динамикасини ўрганиш .....	27
<b>О.Қ. Деҳқонова</b> Умумий ўрта таълим мактабларида физика ва математика фанлари узвийлигининг таҳлили .....	33

КИМЁ

<b>О.Эргашев, М.Коххаров, Э.Абдурахмонов</b> СаА (М-22) цеолитида карбонат ангидрид гази адсорбциясининг энергетикаси .....	36
--	----

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

<b>М.Ҳолиқов, Ё.Аҳмедова</b> Фарғона водийсидаги қушларнинг географик тарқалиши ва муҳофазаси .....	41
<b>Х.М. Шодмонов, Н.З. Сотволдиев, И.А.Ақбаров</b> Уй шароитида анордан шарбат ва компот тайёрлаш технологияси .....	43

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

<b>Ғ.Юлдашев, Ғ.Сотиболдиева</b> Суғориладиган қолмақалланган оч тусли бўз тупроқлар агрокимёвий хоссаларининг ўзгариши .....	46
<b>М.Т.Исағалиев, З.Ж.Исомиддинов</b> Суғориладиган сур тусли қўнғир тупроқлар биогеокимёси .....	51
<b>В.Ю.Исақов, А.Н.Хошимов</b> Сўх конус ёйилмаси тупроқларининг экологик мелиоратив ўзгаришлари .....	57

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

<b>О.Умаров</b> Худудларда иқтисодий мустақамлик заҳирасини яратишнинг самарадорлиги .....	61
---	----

ТАРИХ

<b>З.Й.Эсонов</b> Фарғона водийси ҳунармандларининг пирлар билан боғлиқ эътиқодий қарашлари .....	63
<b>А.Абдухалимов</b> Мустақиллик йилларида водий вилоятларида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муаммолари .....	67
<b>М.М.Темирова</b> Фарғона вилоят радиоси тарихига доир айрим мулоҳазалар .....	70
<b>Ш.Махмудов</b> Қўқон хонлигида хорижий давлатларнинг элчиларини қабул қилиш: анъаналар ва ўзига хослик .....	74
<b>А.Юлдашев</b> Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда раҳбар ва бошқарув кадрлар тайёрлаш тизимининг тадқиқотларида ақс этиши .....	77

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

<b>М.М.Юлдашев, Ш.А.Рахимов</b> Европа мамлакатларида ёшлар сиёсати: амалиёт ва тажриба .....	80
<b>З.Р.Қадирова, А.А.Қамбаров</b> Ижтимоий фикрлар тарихида тафаккур услуби масаласи .....	84
<b>Р.Рўзиева, Н.Эшонқулова, Н.Бобоназарова</b> Илмий билиш бахт-саодатга интилиб, ахлоқий маданияти юксалишида муҳим омил .....	87

## ХУДУДЛАРДА ИҚТИСОДИЙ МУСТАҲКАМЛИК ЗАХИРАСИ ЯРАТИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

### ЭФФЕКТИВНОСТЬ СОЗДАНИЯ НА ТЕРРИТОРИЯХ ЗАПАСА ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ПРОЧНОСТИ

#### ECONOMICAL EFFECIENCY OF SUSTAINABLE LAND RESOURCE ALLOCATION

О.Умаров

##### Аннотация

Мақолада нозкин ерларда саноат хом ашёларини етиштиришда иш ўринлари барпо қилишнинг иқтисодий самарадорлиги тўғрисидаги таклифлар асосланган.

##### Аннотация

В статье обоснованы предложения по экономической эффективности создания рабочих мест на предприятиях по производству промышленного сырья на не посевных землях.

##### Annotation

The proposals on the organization of workplaces and the increase of economic efficiency are justified; the cultivation of raw materials for industry on non-cultivated lands.

**Таянч сўз ва иборалар:** нозкин ерлар, рекреация ҳудудлари, мулк эгаси, давлат-хусусий ҳамкорлигининг шартлари, махсус иш тартиби, ҳудудий саноат, экспортни ривожлантириш ва импортни жиловлаш, иқтисодий самарадорлик, қўйи бошқарув.

**Ключевые слова и выражения:** не посевные земли, рекреационные территории, собственник имущества, условия государственно-частного партнерства, специальный рабочий распорядок, территориальная промышленность, развитие экспорта и обуздание импорта, экономическая эффективность, низовое управление.

**Keywords and expressions:** non-sown land, recreational areas, owner of property, conditions of public-private partnership, special working procedure, territorial industry, export development and curbing imports, economic efficiency, initial management.

Одам табиатнинг кўплаб имкониятларидан, ҳатто қоронғилиқдан ҳам самарали фойдаланиш йўллари топиб фойдаланипти. Эндиликда совуқ ҳаводан ҳам янада самарали (чанғи) фойдаланиш устида тадқиқотлар олиб бориляпти. Эҳтимол, совуқ ҳам энг ноёб энергия манбаидир.

Атрофимизда фойдаланмай келинаётган имкониятлар жуда кўп. Улардан бири нозкин ерларда ташкил этиладиган (сув чиқариш) ва сунъий (томчилатиб) суғориш усулларидан фойдаланиб, ёғочбоп материаллар, данакли ўсимлик меваларини доимий асосда олиш мумкин. Қир-адир, дашт, саҳро (Орол денгизи ўрни) ва тоғолди ерларда терак, павловния дарахти, ёнғоқ, писта, бодом етиштириш, ҳатто иссиқхоналар ва серўт яйловлар ташкил этиб фойдаланиш мумкин. Буни кўпчилик билади. Лекин, бу имкониятлардан фойдаланилмай келинапти.

Иккинчи имконият, рекреация ҳудудларидаги ҳозир ўсиб турган мевали ва манзарали дарахтлар орасидаги бўш турган жойлардир. Аҳоли дам олиб, ҳордиқ чиқарадиган жойларда, йўллар бўйида, кўп қаватли уйлар атрофи ва ҳатто бюджет муассасаларининг ҳовлиларида катта имкониятлар фойдаланилмай турибди. Ваҳоланки бу

ерларда паст бўйли (60-80 см) тут дарахтларини ўстириш мумкин. Тут дарахти 8 хил хом ашё бериб, уларнинг ҳаммасини саноат асосида қайта ишлаш мумкин.

Шаҳарларда бир миллион туп атрофида, вилоятларда ўн миллион, республика бўйича юз миллион тупдан кўпроқ маҳаллий тут дарахтини экиб, ўстириш мумкин. Бу, ҳаммаси бўлиб юз минглаб бардавом, сердаромад, енгил иш ўринларини беради. Мамлакат экспорт салоҳиятини оширади ва импортга эҳтиёжини сезиларли камайтиради.

Рекреация ҳудудларида, мевали ва манзарали дарахтлар, гулзорларга зарар етказмаган ҳолда тут ўстириб, ундан фойдаланишнинг дастлабки намунавий, амалий мисоли сифатида Марғилон шаҳридаги Мустақиллик кўчасининг кичик бир қисмида, 2018 йилда 38 та туп тут экиб ўстирилди. 2019 йилда унинг новдалари барги учун кесиб олинди, ипак қуртини озиқлантиришда фойдаланилди. Бу амалий иш, дунё рекреацион ипакчилигида биринчи қадамдир.

Тут ҳаводаги чанглари ушлаб қолади, зах, шўрни буғлатиб туради. Сувсизликка чидамли. Шаҳар бюджети учун ҳам катта ёрдамчи бўлади.

О.Умаров – ФарДУ, иқтисодиёт назарияси кафедраси доценти, иқтисод фанлари номзоди.

Тут қатор, тутзорлардаги ободонлаштириш ва тозалик билан боғлиқ бошқа ишларни уларнинг эгалари зиммасига юклатиб, бюджет харажатларини кескин камайтириш мумкин. Асосий муаммо шу имкониятлардан фойдаланиш йўл-йўриқларини топиб, нозкин ва рекреацион ҳудудларда наф келтирувчи фаолият (бизнес) ни бошлаб юборишдадир. Қонунчиликда бу масалада тақиқлар йўқ. Ижрочиларни эса топиш мумкин. Ижрочи, яъни ўз меҳнати, маблағи, асосий иш вақтидан ташқари вақтда қўшимча, бардавом бизнес ташкил этиб, мулкдор бўлишни хоҳловчи талабгорларга масала моҳиятини етказишни маҳаллалар орқали, туман тадбиркорлик тузилмалари орқали етказиш мумкин. Мулкдор томонидан ўзининг шаҳар марказидаги, дашт-қирдаги ёки Тошкент довоидаги мулкни эркин тасарруф этилиши қонунларда ўз тасдиғига эга. Яъни, истаса ижарага беради, ўзи фойдаланади, сотиб юборади, совға қилади, авлодларига мерос қилиб қолдиради.

Айниқса, рекреацион бизнес катта маблағ талаб қилмайди. Даромад эса ҳар йили олинади. Тут барги билан ипак қурти хўжалик бинолари орқасида, бир чеккада ўрнатиладиган қуртхоналарда боқилади. Қуртхоналар, пилла олингач, тўқув, тикув цехлари, тут новдасини зичлаб (пресс) мебелбоп материал олиш, йил давомида 3-4 марта қўлда териб олиниб чой тайёрланадиган тут баргини қайта ишлаш дастгоҳлари ўрнатиб фойдаланиладиган кўп функцияли, акфа материалларидан тайёрланадиган бино бўлади. Аҳоли яқин жойда иш билан банд бўлади. Кўп қаватли уйларда яшовчи аҳоли ҳам узоққа бормасдан, оила юмушларидан ажралмасдан 4-6-8 соатлик, қулай сменаларда ишлаб, ўзини жамоа аъзоси сифатида ҳис қилиши мумкин. Ишда бандлик фақат пул топиш учун эмас, балки жамоада, кўпчилик ичида бўлиш билан ўта муҳимдир.

Ҳаммага маълум бўлса ҳам, талабгор тадбиркорлар эътиборига айтиб ўтиш керак: рекреацион ҳудуддаги кўчат ва меҳнатга пул сарфлаб, юз йилларгача доимий даромад берадиган тут қаторидан – пилла, чой тайёрлаш учун тут барги, тут новдаси ёғоч хом ашёси, қовзоқ-целлюлоза, мева озиқ-овқат, мева-кўчатчилик учун уруғлигидан ташқари, қурт кумалоғи – чорва озуқаси, ерга ўғит, Японияда

ошқозон-ичак касалликларининг давоси, пилла ғумбаги – терини ёшартиради – косметика хом ашёси, ипак – жарроҳлик ипи, спорт парашюти, гилам, ҳарир мато.

Асосий муаммо қоляпти. Ер бор, сув бор, талабгор тадбиркорлар бор, қонунчилик тақиқламайди, бизнесни юритиб, ҳудуд, мамлакат иқтисодиётининг мустаҳкамлик захирасини барпо қилиш учун ташкилотчилик етишмаяпти. Ўша Мустақиллик кўчасида ўн минг туп тут ўстириш мумкин. Бу, ўн тонна хом пилла, 1200 кг. қуруқ ипак демақдир.

Ёғоч хом ашёси 600-650 куб метрни ташкил этиб, 48 минг квадрат метр мебелбоп материал тайёрлаш мумкин. Бу, шаҳар, вилоят, мамлакат бўйича миллиардлаб долларни ташкил этади.

Яна битта ташкилий муаммо бор. Ҳовлиларда яшовчи аҳоли дарвозанинг рўпараси ҳам меники, деб ўйлайди. Эшигидан ичкарига кирдим, эгадорлигини унутиб қўяди. Энг осон ечим, аҳоли дарвозасининг рўпарасидаги бўш жойларга 4-5 туп тут экиб, хоҳловчиларга ижарага берса бўлади. Нозкин ерлардан ва рекреацион ҳудудлардан фойдалинишда учта шартга риоя қилиш керак бўлади. Биринчи шарт: маҳалла, нозкин ҳудудлар бўйича эса туман ҳокимлигининг рухсати бўлиши керак. Чунки ҳамма жойга ҳам ёнғоқ ёки тут дарахти экиб бўлмаслиги мумкин. Иккинчи шарт: дарахтларнинг жойи давлатга зарур бўлиб қолгани учун кўчирилганида, товон пули талаб қилинмаслиги керак. Учинчи шарт: тадбиркор фойдаланиб турган ҳудуднинг тозалиги-ободончилиги учун масъул бўлиши керак.

Нозкин ерлар ва рекреация ҳудудларни фойдаланиш шароитидаги энг асосий талаб битта: дарахтларни ким экиб ўстирган бўлса, ўша шахс унинг мулкдори. Такрор айтиш керак. Ўша жой давлатга (фақат давлатга) зарур бўлиб қолган тақдирда товон пули тўланмаслиги ёдда туриши керак. Чунки, масалани қуйи бошқарув – маҳалла ва туман даражасида ҳал қилдик, холос. Эҳтимол, ўша даштда 20 йилдан кейин аэропорт қуриш мўлжаллангандир. Биз бунга билмаймиз. Ерлар эса бекор турмаслиги керак. Мамлакатга терак, павловния, заранг дарахтилари жуда кўп керак. Ёғоч эса импорт қилинмапти. Қуйи бошқарув масъулиятни ўз зиммасига олиши, давлатнинг асосий режаларига ёрдамчи ички иқтисодий мустаҳкамлик захираси бўлиб хизмат қилади.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида. -2019 йил, 17 июнь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Қурилиш материаллари саноатини жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. -2019 йил, 4 июнь.

(Тақризчи: М.Адхамов – иқтисод фанлари доктори, профессор).